



Иқтидор гунчалари

Назокат МИРЗАЕВА

КҮНГЛИМ

Шеърлар



«Хаёт» нашриёти
Андижон - 2006 йил.

84(55)6-5 Узб. дэд. 2420.
—Шеърлар



32193
10 Ogi

Назокат Мирзаеванинг «Кўнглим» номли ушбу илк
китобчасига Ватан, ота-она, севги, вафо, дўстлик
мавзуларидаги шеърлари жамланган.

Баҳор билан боалар учрашиди.

Мен-ла нурли чоғлар учрашиди, - дөя ёзади у
«Ишқинг» шеърида.

Иқтидорли шоиранинг сиз-азиз шеърхонлар билан
даслабки учрашуви ҳам нурли кечади дөя умид бил-
дирамиз.

11-17-05
ХГ-М/М ————— ША
07-12-05

©. «Ҳаёт». А. 2006.

20/66	Alisher Na... nomli p... O'zbekiston M...
1853	10



ВАТАН

Кетсанг агар узок сафарга
Кузатган хам, кутган ҳам Ватан!
Дилинг ўксиб йиғласанг ногоҳ,
Кўздан ёшинг артган ҳам Ватан!

Ардоқлайман сени ҳамиша,
Ёлгизгина паноҳим - Ватан!
Алишмасман дунёга сени,
Қувончим ва дил оҳим - Ватан!

Тупроғингни кўзга суртолмай,
Интиқ бўлиб ўтганлар қанча.
Ватан сўзин қалбида асраб,
Етолмасдан кетганлар қанча!..

Агар тушса бошингга ташвиш,
Юпатганинг - қувончинг Ватан!
Қолмаса гар кўнгил яқининг,
Ҳамроҳингдир - суюнчинг Ватан!



Ўзбекистон, она халқим, дилрабойимсан, Ватан,
Қимматинг тиллодин ортиқ бебаҳойимсан, Ватан.

Соф ҳаво, бол сувларинг жонимга роҳат
бахш этур,
Тупроғинг зар, кўзларимга тутиёйимсан, Ватан.

Волидамдек парваришлаб элга манзур айладинг,
Сен отамдек менга ғамхўр раҳнамойимсан,
Ватан.

Меҳнат аҳлинг алқагайсан, айлаб иззат-эҳтиром,
Ҳақ - адолат йўлини тутган бериёйимсан, Ватан.

Бу жаҳонга неча олий зотни туҳфа айлаган,
Ушбу кун ёруғ юзинг, озод диёримсан, Ватан.

Васфинга қизинг Назокат бир ғазал ёздим жўшиб,
То тирикман дилда номинг, нур - зиёйимсан, Ватан.



Дунёлар беҳудуд, дунё бепоён,
Нега қушлар каби учиб бўлмайди?
Сени соғинганман, бу сенга аён,
Бағримга бир босиб кучиб бўлмайди.

Қанчалар мен сени асраб-авайлай,
Юртим, бу билан ҳеч кўнгил тўлмайди.
Қаерда бўлмайнин, соғинар юрак,
Ҳеч бир юрт сен каби улуғ бўлмайди.

Сенинг ҳажкингда зор Бобурлар ўтди,
Юртим, Чўлпонларинг тирик, ўлмайди.
Яна қаерда бор сендеқ азиз эл,
Бағримга бир босиб кучиб бўлмайди.

Мехримни ололмас қалби қаролар,
Юрақда ишқ гулим асло сўлмайди.
Мен сени севсам-да жонимдан ортиқ,
Бағримга бир босиб кучиб бўлмайди.



Ҳамиша қалбимда поклик ҳукмрон,
Кўп орзу қиласман хаёлда ҳамон.
Тақдирнинг синови мен учун бисёр,
Синовларга тайёр ўзбек қизиман.

Мен она ҳалқимга дастёр бегумон,
Корига ярарман, мустаҳкам имон,
Мустақил юртимда эркин, ҳур замон,
Ҳур замон улғайтган, ўзбек қизиман.

Бугуну, эртани деб яшар инсон,
Мўминнинг қалбида барқ урад иймон,
Аждодлари буюк ўтган шу макон,
Ҳур замон улғайтган, ўзбек қизиман.

Тарихинг таърифлай, гўзал бўстоним,
Мадҳингни куйлайин, Ўзбекистоним,
Пок тупроғинг учун садқадир жоним,
Бағрингда улғайган эрка қизингман.



ИНСОН УМРИ

Инсон умри оқар дарё мисоли,
Лек кечмасин дейман рүё мисоли,
Гоҳо мени қийнар маҳзун хаёлим:
Мен кетсам, дунёда мендан не қолар?

Дўстларим ҳам балки тезда унугтай,
Ёш тўла кўзларин ёшин қуритгай,
Ўзин ташвишида дардин аритгай,
Мен кетсам, дунёда мендан не қолар?

Бетин ҳаракатда бу кўхна олам,
Қалбин ёқар гоҳ сув, гоҳ ўт - ғам-алам,
Дардимга шериксан, сирдошим-қапам,
Мен кетсам, дунёда мендан не қолар?

Маҳзун хаёлларга нур берай дейман,
Қўрсиз кўнгилларга қўр берай дейман,
Зарра умрим ичра гул берай дейман.
Шундай умидларда тулпорим елар!

Атиргул эмасман сен айтганингдай,
Куздаги хазондай пойингда ётган.
Сен олиб юргувчи гул ҳам эмасман,
Туморман - бағрингга тош бўлиб ботган.

Мени кечир, жоним, бўлса гуноҳим,
Сен излаган пари эмасман зинҳор.
Сени қийнаётган дардман, армонман,
Фақат юрагимни қилолмам изҳор...



ИЛТИЖО

Тангримдан тилаган танҳо тилагим,
Мушфик онажоним соғ бўлсин доим.
Тақдирнинг ҳар қандай синовларига,
Дош берди...
Сен уни асра, Худойим!

Эй яратган Эгам, эшитгин нолам,
Кўзларимда жолам, кўлимда қалам,
Дунёимни этмай кемтик, бири кам,
Онамни асраргин, асра, Худойим!

Жилмайиши жон бағишлар, фариштам у,
Хонадоним нур чироги, сариштам у,
Ёнига ҳеч келма, қайғу,
Онамни асраргин, асра Худойим!



Ойдинхон ая хотирасига

Баҳоримда ўқсиб турган боғлар билар,
Борлиғимни қамраб олган дөглар билар,
Ўқсик дилни билиб-билмай кимлар тилар,
Онажоним, энди сизни қайдан излай...

Кулиб турган кўзингизни соғинаман,
Ширин-ширин сўзингизни соғинаман.
Соғинаман, ўзингизни соғинаман,
Онажоним, энди сизни қайдан излай...

Сизсиз келди ховлимизга ҳур келинчак,
Орзунгиз наҳот бўлди энди эртак.
Сизнинг бу кун қабрингизда унар чечак,
Онажоним, энди сизни қайдан излай...

Дуодаман, руҳингизга тилаб роҳат,
Рози бўлинг, онажоним биздан албат.
Қалбимизда яшагайсиз сиз тоабад,
Онажоним, энди сизни қайдан излай...



КОЛЛЕЖ

Устоз А. Тұрахұжаваға ҳурмат билан

Қалбимни қийнайды ажиб бир қийнок,
Бахтми у ё тақдир билмайман, з вох,
Барчага беминнат бергувчи сабоқ,
Доим дилимдасан, меҳрибон колледж.

«Хайр» десант күзимга түлди күз ёшим,
Сенинг ҳурматингга эгилди бошим.
Ҳатто илк мұхаббат үйғотган ёшим,
Доим дилимдасан, меҳрибон колледж.

Ҳар ким умид билан сўрар тилагин,
Шеър ёзиб толмайды бу кун билагим,
Халқимга бор бўлсин менинг керагим,
Доим дилимдасан, меҳрибон колледж.



АФСУС

Шон-шүхрат ортидан қувибман,
Насиҳат қилсалар, кулибман.
Ошимни ҳар кимга илиниб,
Унутиб қўйибман дадамни.

Эл аро қўйдим мен қадамни,
Ҳеч эсга олмабман дадамни.
Ҳар лаҳза соғиниб онамни,
Унутиб қўйибман дадамни.

Қўлимдан кетганда омадим,
Ёлғиз бир мададкор одамим,
Ўйладим ҳар босган қадамим,
Унутиб қўйибман дадамни.

Умримиз ўтмоқда жуда тез,
Отам бетоб эди ўша кез,
Менга айттолмади битта сўз,
Йўқотиб қўйдим мен дадамни...



Ёзган баётимда васфинг куйладим,
Күкда ой мисоли йўлинг пойладим.
Вафо боғларидан изинг изладим,
Қирқ йигит ичидан сени танладим.

Хаёлот юртида ахтардим сени,
Мен зору сен эса танладинг уни...
Азобларда дилим қийнади мени,
Охир мен ҳам севиб қолдим ўзгани...

Йўқ, йўқ!
Севолмайман, суйганим Аллоҳ!
Раббим ҳар ишимда мададкор, ҳамроҳ.
Қилган гуноҳимдан у ўзи огоҳ,
Дилдаги ишқимга фақат у гувоҳ.



Баҳорнинг ёмғири ўчирди изни,
Осмонда ой чиқса эсладим сизни.
Мұхаббат, айрилиқ қийнади бизни,
Мен ҳамон севаман, севаман сизни.

Биринчи учрашув...
Ишқдан нишона,
Не қилай, шүр экан манглай - пешона.
Лайли, Зухролардек ишқда девона,
Мен ҳамон севаман, севаман сизни.

Үйлаб кўринг, ахир алдаган сизми,
Алдаш даркормиди мен содда қизни?
Ахир бошим узра қўярман сизни,
Мен ҳамон севаман, севаман сизни.

Келиб бу дунёга бир кун кетамиз,
Тақдирнинг қурбони бўлиб нетамиз?
Дунёда биз фақат ишқ деб ўтамиз,
Мен ҳамон севаман, севаман сизни.



Шеърларимда таскин топар дилим менинг,
Қайда юрмай, чорлаб турар элим менинг,
Дўстларимни йўқлар ҳар дам тилим менинг,
Армонлару орзуларим шеъримдадир.

Юрагимни ўртар гоҳо алам, доғлар,
Дардларимга ҳамдард бўлар гўзал боғлар,
Менга илҳом баҳш этгувчи баланд тоғлар,
Армонлару орзуларим шеъримдадир.

Нетай, бу кун тақдирим ўз қўлимдадир,
Аллоҳ менинг дилимдадир, дилимдадир,
Калби тоза устозларим бошим силар,
Армонлару орзуларим шеъримдадир.

Менга мадад бергувчилар, бўлинг омон,
Ростин айтгум, бегубордир дилим ҳамон,
Сўзим билан дилингизни оғритмасман,
Дилда неки дардим бўлса, шеъримдадир.



Севгилим, айрилдик гўзал дунёда,
Муҳаббат қасрининг остонасида.
Дегандинг: севгимиз мисли рўёдир,
Баҳт топмадик ишқнинг кошонасидан.

Ёлғизим, қарама кўрганда мени,
Тақдир бизни бундай азоблар нечун.
Мен фақат...
Мен фақат севгандим сени,
Хижронинг азоби қийнайди бу кун.

Юрагим инграйди, дилда сукунат,
Агар бир боқмасанг, мен учун алам.
Билки, гўзал куним бўлар рутубат,
Шеър ёзсан, кўлимда қалтирас қалам.

Кетардинг боқмасдан мендан олислаб,
Келди кўзлар тўқнаш, чеҳралар тўқнаш.
Мехр-ла боқардинг менга оҳиста,
Бардош беролмайман, кўзларимда ёш...



ИШҚИНГ

Баҳор билан боғлар учрашди,
Мен-па, нурли чоғлар учрашди,
Ишқда дили доғлар учрашди,
Қалб күкіда чақди чақмоқлар.

Балиқларга сувсиз йўқ ҳаёт,
Ишқинг менга қайрилмас қанот,
Хаёлинг-ла яшаб умрбод,
Сенинг ишқинг қалбим ардоқлар.

Кўнглимнинг кўчаси тор бўлди, нетай,
Пок севгим йўлларда хор бўлди, нетай,
Ёр васли заҳматли кор бўпди, нетай,
Қани ардоқлаган покиза севгим?..

Сеҳрли чироқлар кўқда – осмонда,
Бир ёниб сўнади кўнглим чақмоқдай,
Умрим сенсиз дарё мисол оқмоқда,
Қаерларда қолди покиза севгим?..

Эй, фалак!
Ноламга солгин-эй қулок,
Уни севганлигим наҳотки гуноҳ?
Чин дилдан севаман, айтолмам, э воҳ!
Наҳот армон энди покиза севгим?..




СОФИНЧ

Нетайин сен томон талпинар юрак,
Қалбимда бор эди покиза тилак.
Беғубор қалбимга ўхшайди фалак,
Бугун сени жуда соғиниб кетдим.

Дилимга жо этдим тоғдек бардошни,
Кипригим тўсади кўздаги ёшни,
Юрагим танлаган сен бағритошни,
Бугун сени жуда соғиниб кетдим.

Ўтган умрим учун бир оз оғриндим,
Ёзган мактубларинг йиглаб ёндиридим.
Қалбимни севгингдан буткул тондиридим,
Бугун сени жуда соғиниб кетдим.

Яхши-ям бор экан қўлимда қалам,
Қоғоздаги ёзув – дилдаги алам.
Етиб боргаймикан сенга оҳ, нолам,
Бугун сени жуда соғиниб кетдим...





Азизим, севгингдан тондинг сен бугун,
Ишқни атамоғлик шунчаки ўйин,
Сени билмадим-у, мен учун қийин.
Севаман, деб айтган сўзинг соғиндим...

Мени севармидинг, аммо сезмадим,
Ҳажринг қийноғидан асло безмадим.
Бир бора ишқ боғи ичра кезмадим,
Менга маъюс боққан кўзинг соғиндим...

Онам бошим силаб дедилар: - Болам,
Мұхаббат аслида синовли олам.
Тебранар соғинчдан сирдошим калам,
Гоҳ олов, гоҳ маъсум юзинг соғиндим.

Бошимдаги савдо наҳотки тақдир,
Мени синарми у ёки бир умр.
Сенга юраккинам очолмам ахир,
Севаги боғи ичра изинг соғиндим!..



Севгилим, орамиз экан хўп олис,
Ўртада дарё бор, денгиз бор тошқин.
Ошиқ юракларга висол бегона,
Фақат хаёллардан оламан таскин.

Ҳа, бу умр йўли катта бир қўприк,
Йўлимни тополмай турибман ёлғиз,
Сен билан мен эдик кўз билан киприк,
Бизни айирдилар севгидан, эсиз...

Мен сенсиз ўтаман азим кўприқдан,
Хаёлларим менга далда берса бас.
Қалбимда очилган бокира гунча,
Гўзал севги эди, эҳтирос эмас.

Хижрон - муҳаббатнинг ширин ноласи,
Раббим шундай баҳтни этибди насиб.
Сендан илтимосим, ўтинчим битта:
Соғинчли висолдан этма бенасиб!..



СЕВГИМИЗ

Севгилим, бизни тенг кўрмади тақдир,
Унга қарши чиқди бебош юраклар.
Майлига, чидайман севгидан тондир,
Лекин қалбим тўла гўзал тилаклар.

Севгимиз тўкилди мисли бир япроқ,
Дилга оғир ботди шундай бўлгани.
Наҳот сезмадингиз юраккинамга
Хижроннинг мислсиз ғами тўлганин.

На қилай, тақдирга чиқолмам қарши,
Йўлларимиз айро, айрилдик, майли...
Балки кўнгил бўлар баҳтга лиммо-лим,
Гўзал хотиралар ва ишқ туфайли...

Энди сен ўзганинг вафоли ёри,
Мен эса ҳамиша йўлларингга зор...
Сен бўлгин ёрингнинг чин вафодори,
Мен эса баҳтимни кутгум интизор...



* * *

(Хазил)

Қорақалпоқ йигитлари хаёлим олди,
Бир мард йигит юрагимга оловлар солди.
Андижондаман, дил олисда қолди,
Үша элнинг мардлари ишқимда ёнди...

Қорақалпоқ йигитининг виждон, ори бор,
Айтди: "Сизнинг дилингизга етмасин озор!"
Гарчи унга бўлолмайман ёнидаги ёр,
Ундан фақат хотираалар дилимда қолди...

Андижоннинг йигитлари хафа бўлмасин,
Қалбларига алам билан қасдлар тўлмасин.
Мен ошуфта синглисига баҳтлар тиласин,
Қорақалпоқ йигит менинг хаёлим олди...



АРМОНЛАРИМ

Бахтсиз куним болиш бўлди бардошим,
Тўлин ойдир менинг кўнгил сирдошим,
Дардларимни сўзсиз тинглар тунлари,
Оймоможон, қайда менинг йўлдошим?

Армонларим армон бўлди сен учун,
Меҳрларим сарсон бўлди сен учун,
Ёлғизлиқда ҳамроҳ эдинг мен учун,
Оймоможон, қайда менинг йўлдошим?

Туйғуларим тушунган ҳам сен ўзинг,
Тунда кўнглим ёритади юлдузинг,
Ажаб, ёrim алдар мени кундузи,
Оймоможон, қайда менинг йўлдошим?

Осмон битта, ой ҳам битта – ягона,
Мен биттаман, ёр йўлида парвона,
Айт, ишқимни қилгайми у парволар,
Оймоможон, қайда менинг йўлдошим?



МУНДАРИЖА

Ватан.....	3
«Ўзбекистон...».....	4
«Дунёлар...».....	5
«Ҳамиша...».....	6
Инсон умри. «Атиргул...».....	7
Илтижо.....	8
«Баҳоримда...».....	9
Коллеж.....	10
Афсус.....	11
«Ёзган...».....	12
«Баҳорнинг...».....	13
«Шеърларимда...».....	14
«Севгилим...».....	15
Ишқинг.....	16
Софинч.....	17
«Азизим...».....	18
«Мен сенсиз...».....	19
Севгимиз.....	20
«Қорақалпоқ йигитлари...».....	21
Армонларим.....	22



**Адабий-бадий нашр
Назокат МИРЗАЕВА**

«КҮНГЛИМ»

(Шеърлар)

Мұхаррир: Пұлат АБДУЛЛА
Тех мұхаррир: М.МИРЗАКАРИМОВА
Мусақхих: Мадина УСМОН
Компьютерчи: Х. ПАРПИЕВ.

Босмахонага 2006 йил 5 мартда берилди
Босишига 2006 йил 6 апрелда рухсат этилди
Бичими 84/108 1/32. Ҳажми 1,5 б/т
Буюртма № 602 . Адади 550 нусха
Баҳоси келишилгандарда

«Андижон наширёт-матбаа» ОАЖ
босмахонасида босилди.